

Арвоҳ. (Болалар учун)

05:00 / 16.02.2017 3578

Бир савдогар уйига кеч тунда қайтаётган эди. Бир қари, қора танли кишининг девор тагидаги чуқурда тунни ўтказишга ҳаракат қилиб турганини кўрди. Бирорта киши ҳам болалари ундан кўрқилини айтиб уни ўз уйига олиб кетишни хохламасди.

Аммо бу савдогар уни уйига олиб келиб унга иссиқ овқат ва тоза ўрин-кўрпаси бор бир хона берди. Ярим тунда дераза четида ётган қора танли киши қаттиқ кўрқиб уйғониб кетди. У ерда икки ўғри кучсиз ой нурида деразадан ичкарига киришга уринишаётган эди. Улар савдогарни ўлдириб, унинг моларини ўғирлашмоқчи эди. Шунда қора танли киши қўлини кўтариб шундай деб бақирди: Тўхта!! Нима қилаяпсанлар?

Ўғрилар оқ кўйлак- шалвор кийган қора танли кишини кўриб уни арвоҳ деб ўйлашди. Эй худо, бу ерда арвоҳ бор экан деб ўзларини деразадан ташлашди. Бирининг оёғи синди, иккинчисининг боши ёрилди. Бу шовқиндан уйғониб кетган уй эгалари уларни тутиб олишди. Саййидимиз Расулulloҳ С.А.В. нинг ҳадиси шарифларида айтган ушбу буйруқлари қанчалар гўзал. У Зот шундай деб марҳамат қилганлар:

Биродарига ёрдам берган кишига Аллоҳ таолонинг ўзи ёрдам беради. (Муслим)